



ЖАШЛИК САҒВИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

8 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА, № 112 (860).

Сотувда эркин нархда. 1994 йил

МАТЛУБОТЧИЛАР ҚУРУЛТОЙИ

7 июнь кунин Тошкентда республика Матлубот жамиятлари уюшмасининг XVIII қурултойи бўлди. Ўзбекистон Президентини Ислом Каримовнинг қурултойи қатнашчиларига табрикнинг республика Бош вазирини ўринбосари М. Усмонов ўқиб эшиттирди.

Қурултойда «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси В. Абдуғаннев иқтисодий ислохотини чуқурлаштириш шароитида матлубот кооперациясининг вазифалари ва тараққиёт дастури ҳақида маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиққанлар эришилган ютуқлар

Анжуманда хусусий тадбиркорлар, фермер (деҳқон) хўжалиқларини зарур ашё ҳамда ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, улар етиштирган маҳсулотини вақтида қабул қилиш ва ҳақини тўлашга аҳамият берини, тизимда ташиқ иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, бунинг учун хорижга кўпроқ тайёр маҳсулот сотиш, тараққий этган давлатлар билан қўшма корхоналар тузишга эътиборини қаратиш кераклигини таъкидланди.

Қурултойда «Ўзбекбирлашув» бошқаруви ва назорат органлари тузилди. В. Абдуғаннев «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси этиб сайланди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қурултойда сўзга чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУРМАТЛИ ИСЛОМ АБДУҒАНИ ҲАҚИДА ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз, хурматли жаноб олийларига ҳаж сафарига муяссар бўлган барча ҳожилар номидан самимий ташаккур билдиришга руҳсат бергайсиз. Айни вақтда маълум этганимиз, барча ҳожилар кўрсатилган энгиллик ва моддий ёрдам учун Сиздан текисиз миннатдордирлар. Ўзбекистонлик зиёратчилар Наъбаи муаззамда, Арофат ва Минада бўлган вақтларида Сиз муҳтарамга узок умр ва савоб ишларинигда муваффақиятлар тилаб дудода бўлдилар ва мустақил Ватанимиз халқларига бахтсодатлар тиладилар.

Аллоҳ таолога шукрлар айтиб, мамнуният билан хайбат қиламизки, Сиз муҳтарамнинг олий буйруғиниз билан ҳаж сафарини ўтказиш ҳайъати яхши ва самарали ишлагани сабабли ҳожиларга Маккада истиқомат учун тегишли шaroитлар яратилди. Сафар давомида улар орасида

та мумкин қадар яхши шарoитлар яратишга интилдик. Бу саяҳат-қаракатлар натижасида ҳожиларимиз зиёратларни талаб даражасида ва сидқидилдан адо этиб қайтдилар.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан юборилган беш нафар врачимиздан ҳам ҳожилар мамнун бўлдилар.

Мақка ва Мадинада яшадиган ҳамюртларимиз ҳам бу йилги ҳаж маросими уюшқоқлик билан батариб ташкил қилингани учун Сиз муҳтарамдан ва ҳаж сафарини ўтказиш ҳайъатидан миннатдор бўлдилар. Улар Ўзбекистон байроғи остида ўлтириб, Аллоҳга шукрлар айтиб, кўзларида ёш билан юртимиздаги барча биродарларига саломлар йўлладилар.

Абдуғани АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси.

7 июнь кунин Тошкентда «Ташки заём операциялари» бошқариш масалаларини мавзуда халқаро семинар бошланди. Унда жаҳон банки, БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД), Буюк Британия ва Туркиянинг молия соҳаси мутахассислари, Албания ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг банк тизими вакиллари иштирок этмоқда.

Семинарнинг очар экан, халқаро анжуман ишига муваффақият тилади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, ташқи молиявий фаолиятини жаҳон талаблари билан мувофиқлаштириш учун қўрилаётган чоратadbирлар ҳақида гапирди. Жаҳон банкининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Парвез Хасан семинарни ўтказишдан қўзғалган мақсад ва унинг Марказий Осиё давлатла-

ри ташқи молия соҳасини ислоҳ қилишдаги аҳамияти тўғрисида сўзлади. Халқаро тадбир қатнашчилари бир неча кун давомида макрoқтисод, молиявий сисeат, хусусан, заёмларнинг бошқариш ва назорат қилиш, ана шу жараёнларни компьютерлаштириш каби масалалар бoрасида фикрлашадилар, бу соҳада тўпланган халқаро тажрибалар билан та-

ри ташқи молия соҳасини ислоҳ қилишдаги аҳамияти тўғрисида сўзлади. Халқаро тадбир қатнашчилари бир неча кун давомида макрoқтисод, молиявий сисeат, хусусан, заёмларнинг бошқариш ва назорат қилиш, ана шу жараёнларни компьютерлаштириш каби масалалар бoрасида фикрлашадилар, бу соҳада тўпланган халқаро тажрибалар билан та-

ХАЛҚАРО АНЖУМАН АРАФАСИДА

ЮНЕСКО 1994 йилни халқаро оила йили деб эълон қилгани кўпчиликка маълум. Шу мунoсабат билан дунёнинг кўплаб мамлакатларида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Шулардан бири — 9 июнь кунин Тошкентда ўз ишнини бошлайдиган «Аёл, оила ва жамият» мавзудаги халқаро конференциядир. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси «Соғлом авлод учун», «Оқосан» Халқаро жамғармалари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг маъмур

тадбирини ўтказиш ҳақидаги ташаббуси республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланиб, махсус қарор қабул қилинди. Анжуман арафасида иштирокчиларнинг дастлабки гуруҳи — Америка Қўшма Штатлари, Покистон, Хитой ва тунислик хотин-қизлар Тошкентга етиб келдилар. Франция, Россия, Озарбойжон ва Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлардан ҳам меҳмонлар кўтилмоқда. Конференцияни ўтказиш ташкилий қўмитаси бир қанча тадбирлар режасини тайёрлаб қўйди. Иштирокчилар икк кун давомида

хотин-қизларнинг оилада ва жамиятда тутган ўрни билан боғлиқ долoарб масалаларни муҳокама қилиш, ўзарo тежриба алмашиш бoрасида республикамиз аёлларининг турмуш шарoити, меҳнат фаолияти билан танишадилар. Гуруҳлар бўлиниб, Ўзбекистон болалар жамғармасида, «Шарқ гули» акционерлик жамиятида, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бirlашмасида бўлдилар, республика «Она ва бола» марказини бoриб кўрадилар. Нуфузли анжуман республикаимизда соғлом авлоднинг камол топишига, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, аёллар орасида ишиблармонликни ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Ер — ризқ-рўзимиз манбаи. Фермерлар эса — деҳқончилигимиз келажаги. Кунин кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идораларaro кенгаши мажлисида ҳам уларни ер билан таъминлаш, самарали ишлаши учун шарoит яратиш бoриш зарурлиги яна бoр бoр таъкидланди. Лекин айрим жойларда деҳқон (фермер) хўжалиқлари фаолиятини ривожлантириш, уларни сувли, унумли ер билан таъминлашга гaмхўрлик қилинмаётир. Биласк, тадбиркорлар машаққат эвазига элoақага келтирган ерни тортиб олишга уриниш ҳoллари ҳам юз бoрмоқда.

райси Йўлдош Урдушев.— Сўнг Улянов сопол-девор маҳсулотларини корхонаси ихтиридаги 40 гектар ер менга беш йил муддатга ижарага берилди. Утган йили унинг 25 гектарига пахта экиди. Завод хориждан биз етиштиратган пахта толаси ҳисобида эҳтиёт қисмлар олишни керак. Хўжалигимиз хар йили ана шу мақсад учун 320 тонна пахта топириш зoрасидан шартнома имзолаган.

қулов.— Бу йил туман ҳoқимлигида фермер сифатида рўйхатдан ўтиб, 13 январда 150 минг сўм эълолик бадали ҳисобига қарамай, деҳқон хўжалиқлари кам ҳoқил ундиримоқда, деган оҳона билан ерни тортиб олишди.

Наҳотки, туман ҳoқими билан хўжалик директори Президентимизнинг деҳқон (фермер) хўжалиқларига амалий ёрдам бeриш, рағбатлантириш ҳақидаги курсатмаларидан бeхабар бўлсан?

Йўлчи ЖУРАЕВ, ЎАА мухбири.

ЎАА ТАХРИРИЯТИДАН: ушбу ахборот матбуот учун тайёрланган вақтда халқ депутатлари Зoмин тумани кенгаши сессиясида Жиззах вилояти ҳoқими А. Тошкеновнинг фармойишига бinoан ҳoқим Н. Умаров вазифасидан озоd этилгани тўғрисида хабар олинди.

Андлиқон вилоятида шундай ишор остида маданият кунлари ўтмоқда. Бу тадбир Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган бўлиб, август ойининг бошларида давом этади.

«МЕҲНАТИМ, САЊЪАТИМ СЕНГА
БАХШИДА, ОЗОД ВАТАНИМ!»

режалаштирилган. Андижонликлар ва меҳмонлар ҳар шабона ва якшанба кунлари атоқли кишилар, ишлаб чиқариш илгорлари, ижодкор эшбўйлар вакиллари, хаваскорлик гуруҳлари, спортчилар билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Маданият кунлари гoлибларига пул мукофотлари,

• Биз ва жаҳон

ТЕНГ ШЕРИКЧИЛИК АСОСИДА

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига бinoан, 1993 йил ёзида «Кичик ва ўрта тадбиркорликка қўмаклашувчи жамғарма» ташкил этилган. Бу — беиз эмас. Чунки кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришнинг муваффақияти республикамизнинг иқтисодий осойишталиги ва ҳаётининг янги саволлар билан таъминланганлигидан баҳрадор бўлишига бoриб таъминланади.

Америка-Ҳиндистон Юни-тех интернейшнл корпорацияси билан биргаликда семинар-кенгаш ўтказди. Унда Гaрбий Европанинг Брюссел шаҳридаги «Европа ишбилармонлари маркази», жамғарманинг вилоятлардаги вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этишди. Ҳўш, кенгашни ўтказишдан мақсад нима? Умуман, ушбу йилги жумҳуриятимиз тадбиркорлари учун қай жиҳатлари билан аҳақиятми? Чет эл ишбилармонларига-чи? Биз ана шу саволлар билан семинар-кенгаш ташкилотчиларига ва чет эл ишбилармонларига мурожаат этдик.

мақсадида бирмунча ишларни амалга оширди. Уларга керакли асбoб-ускуналар етказиб бeрилиб, техник ёрдам кўрсатилди. Ви роқ, республикамиз Президентини Вазирлар Маҳкамаси Ингиландида сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигини замонавий технология билан таъминлашга алоҳида эътибор бeриш зарурлигини таъкидлаб ўтилдики, бизини фаолиятимизга ташкилий кўз билан қарашта даъват эди. Дарҳақиқат, ишбилармонларга бугунги кунда биз тақлиф қилаётган «қўлбола» технологияга эътибор тoлабларига жавоб бeра оладими? Унда ишлаб чиқариламан маҳсулотлар нaҳон андазалари-га тўғри келадими?

лапмиз. Шунинг учун тўғридан-тўғри европaликлар билан алоқа қилишни йўлга қўймоқдамиз. Шу бoрич кенгаш Брюссел шаҳридаги «Европа ишбилармонлари маркази»дан уч киши тақлиф қилинди. Улар билан икки томонлама шартномалар имзолаган. Шунингиз маълум, гaрблик ишбилармонлар «етти ўлчаб бир кесадилар»лардан. Улар ҳар киши билан ҳамкорлик қилишларида шубҳа билан қарашмади. Шу бoрич республикамиз тадбиркорлари учун ўзуни кўрсатиш ташкили этилд. Унда ҳар ойда 240 киши малама оширмоқда. Шуларнинг ичидан энг иштирокчиларини тoлаб, гaрблик ишбилармонларга шерик қилиб бeраман.

ни оҳанрабодек ўзинга жалб этмоқда. Бу ҳақда Гaрб матбуотида ҳам батафсил ёритилиб бoриляпти. Президентларингиз Давос анжуманида сўзлаган нутқида ишбилармонларга қарата: «Ўзбекистонга келинглр, биз ҳаммангиз билан ҳалол ва теги ҳамкорлик қилишга тайёрмиз» — деган эди. Оқининг айтганидан бўлса, ушбу ироддан кейин ҳам бизда биров иккинчани йўқ эмасди. Лекин «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чoра-тадбирлари тўғрисидаги фармоннинг довраги биз, хорижий ишбилармонлар қўлидаги ҳадидларга ўрин қолдирмади.

Энди асосий мақсадга қўчадиган бўлсан, марказимиз асосан биз билан ҳалол ва теги шерикчилик асосида ишлайдиган ҳамкорларни ахтарди. Аминимани, бундай ҳамкорлар Ўзбекистонда истатганча топилади.



ШУХРАТ ОТАМУРDOV тор ясoқда.

УСТА ШУХРАТ ШЕРОБОД туманидаги Мейдон қишлоғида сўрус-сўрус пода бoқиб унлайган Шухрат мусиқага чинанамга илoс қўйди. У кейинчи бoқулини уста ва хофиз Алишо Нoгаевдан тор ясoб сирларини ўрганди. Шухрат тор ясoб билан бoрға ўн ҳам қўшиқлар икoро этади.

«Халқ сўзи» мухбири.

Яқинда жамғарма «Ўзбек

Абзал АЗИЗОВ — «Кичик ва ўрта тадбиркорликка қўмаклашувчи жамғарма» бош директори;

Биз бу ва бошқа муаммоларни ҳал этиш мақсадида қишлоқ хўжалигига Гaрбий Европа технологиясини жорий этишни кўр

— Жамғарма билан ҳамкорликда юртимизга Гaрб

Баҳодир ТУРСУНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИЛИКЛАР

Спорт

Анджонликлар нафақат чм устида хоккей, оқир атлетика, футбол, балки эрикларнинг ҳақиқий баҳси — бокс борасида ҳам доғру тартибда...

Вилоятда бор-йўғи 2 та ихтисослашган спорт зали бор, холос. Ҳаттоки, 37 нафар бола тарбия кўраётган Олимпия резервлари республика билим юртида ҳам зал йўқ...

Ватаннинг муносиб ҳимоячилари камол топаёти, дегани эмасми? Олий ўқув юртиларидаги манзарани кўриб...

— Улуғбек ака, кейинги йилларда анджонлик чарм кўлош усталари Ўзбекистон беллашувларининг энг фаолларига айланган...

КУЧЛИЛАР РИНГГА ЧИҚАДИ

АНДИЖОНДА БОКС РИВОЖИ ҲАҚИДА

— Ш спортчиларни тарбиялаш ишга билан кудуқ қазишдек машаққатли иш. Юртимиз мустақилликка эришгач...

Утган йили Ҳиндистон, Покистон, Бошқирдистон, Россия каби мамлакат вакиллари иштирок этган «Мустақиллик биллур» беллашувида ҳам шохсупага кўтарилган...

зар, узайтирилди. Иқтидорли ёшлар қобилиятини шакллантириш учун ана шундай йўл тўғрили...

— Авваллари нафақат бокс, спортнинг бошқа турларига ҳам бюджетдан маблағ ажратиларди...

— Очигини айта қолай. Анджон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олтинкўл трикотаж буюмлари фабрикаси бизга ҳомийлик қилапти...

— Шундай экан, ўзини маблағ билан таъминлаш ёки профессионал бокс ҳақида ўйлаб кўришмайтими?

— ...Профессионал бокс тўғрисида турли баҳслар бўляпти-ю, амалий ҳаракат йўқ...

Сўхбатдош: Ф. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАДАНИЯТ

ХАБАРЛАРИ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ НАФАҚА

Жиззах шаҳар ҳокимлиги, касабга уюшмаларини мувофиқлаштириш кенгаши, агросаноат мажмуи ходими...

— Гапнинг очиги. Муҳаммадқодир Абдуллаев умидли ёшларимиздан. У

Қадриятларимиз

Юсуфжон Шакаржонов номидagi Фаргона вилоти музикали комедия ва драма театрининг эришган ютуқларидан муштарийларимиз яхши хабардор...

Фаргоналик санъаткорлар тарихинининг яқин ўтмишидаги комик асарлар

«ТОШКЕНТГА САЁХАТ» САФАРГА ЧИҚДИ

га мурожаат қилиб яхши муваффақиятларга эришишмоқда. «Тошкентга саёхат» ана шундай асарлардан бири...

қаро театр фестивалида намоиш этишди. Санъаткорларимиз зиммасига гоёт масъулиятли шу билан бирга шарофли вазифа тушди...

валида 19 мамлакат санъаткорлари иштирок этиши кутилмоқда. Биз шундай нуфузли фестивалда қатнашганимиздан беҳад мамнунмиз.

Фаргоналиклар Польша Республикасида ҳам совриндорлар сифида бўлишди деган умиддамиз.

КИМ ОШДИ

340 МИЛЛИОНДАН 1 МИЛИАРД 810 МИЛЛИОН СЎМ-КУПОНГАЧА

Яқинда Фарғонада талбиркорлар, тижоратчилар кўпдан бери ораниқиб кутган воқеа — кўчмас мулкларнинг ким ошди савдоси бўлиб ўтди...

Водил ва Қувасойдаги меҳмонхоналар, Фарғона шаҳридаги савдо дўконларининг хариди тортинув билан ўтганлиги учун ҳам сотиб олган харидорни қатнашчилар узоқ қўтлашди...

Анваржон Отажонов. Аукционга қўйилган кўчмас мулкларнинг баҳоси 340 миллион сўм-купон эди. Сотилиш баҳоси эса 1 миллиард 810 миллион сўм-купонни ташкил этганлиги ҳам ким ошди баҳсининг қизғин ўтганлигидан далолат беради...

«Прайс Уотерхаус» халқаро мустақил хусусийлаштириш фирмаси ходими Джемидан ҳам алоҳида таъкидлади. Харидорлар умрбод кўчмас мулкларга эга бўлишлар, давлат хазинаси эса мумай даромад билан боинди.

Набижон СОВИР, «Халқ сўзи» мухбири.

ПОКИСТОН ДАВАЛАТ ЭКСПОРТНИ РИВОЖЛАШТИРИШ БЮРОСИ ПОКИСТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ

Кўрғазма 1994 йил 14-20 июнь кунлари Ўзбекистонда (собиқ ВДНХ) ўтказилади Кўрғазмада қуйидаги маҳсулотлар билан танишишингиз мумкин:

«Барин - Тижарет» шўба ширкати нақд пулсиз сўм-купонга қуйидаги хомашёларни харид қилади:

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА! Сизга биричи марта республикамизда қурилаётган йирик тўқимачилик комбинати - «ТУРЛАН» хиссадорлик жамияти /таъсис жаммармаси 18.000.000.000 сўм-купонга/ эгаллик қилиш имконияти таклиф этилмоқда.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК Хоразмдан Қозоғистоннинг Чимкент вилоятига «КДН-4» русумли агрегатлар жўнатилди. Жорий йилда Алматы, Жамбул, Ўзтор, Чимкент, Қўқчатов вилоятларига 2300 донга ўт ўриш машинаси юборилади.

АРК СТРАХОВАНИЯ ГРУППА ELVIA ASSURANCES VOYAGES Руҳий хотиржамлик - бебаҳо бойлик! «Арк страхования группа» хиссадорлик жамияти республикада биринчи марта швейцариянинг ЭЛВИА компанияси ҳамкорлигида янги сўғурта маҳсулотини...

Ўзбек-Италия қўшма хиссадорлик жамияти «Ўзитамотор» куйидагиларни сотади: Д-243 двигатели (МТЗ-80Х тракторлари учун); авто ва электр юклагичлар (юк кўтариши 1 дан 3 тоннагача); омборлар учун қўл аравалар (юк кўтариши 1,5 тонна); алюминийдан тайёрланган марказлашган иситиш батареялари.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсирған БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миркамал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОВЕВ, Сандаҳор ГУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев, навбатчи Ш. Мутаҳхархон ўғли.